O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 2 июль, № 131 (5046) Жума


# ИСТИҚЛОЛДАН ЯШНАГАН ЗАМИН






**Озод юртнинг обод манзиллари**

***Жонажон Ўзбекистонимизнинг гавҳари, дурдонаси гўзал Фарғона водийсини олтин узукка қиёсласак, Андижон бамисоли унинг ёқут кўзи. Ўзининг меҳнаткаш, фидойи, янгиликка, яратишга мойил, кўнгли ҳам, дастурхони ҳам очиқ бунёдкор, хушзабон одамлари билан азалдан машҳур Андижон, таъбир жоиз бўлса, буюк келажакни кўзлаб йўлга чиққан мамлакат катта карвонининг олдинги сафларида бормоқда.***

— Муҳтарам Президентимизнинг яқинда вилоятимизда бўлиб, одамлар билан учрашиб, дилдан суҳбатлашганлари, Андижон халқининг меҳнатига юксак баҳо берганлари, шаҳар-қишлоқларимизни янада обод этиш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан берган маслаҳатлари, йўл-йўриқлари биз, андижонликларнинг руҳимизни осмон қадар кўтарди, — дейди вилоятнинг ҳурматли нуронийларидан бири Хатибжон ота Носиров. — Ўзингиз айтинг, ҳеч замонда давлат раҳбари оддий деҳқоннинг уйига кириб, унинг қандай яшаётгани билан қизиққанми, бир пиёла чой устида ёнма-ён ўтириб, суҳбат қурганми? Ҳаётнинг кўп насту баланд сўқмоқларидан ўтган бир инсон сифатида айтадиган бўлсам, йўқ, бунақаси бўлмаган!

Биз Ўзбекистон кўчаси Бобур проспекти билан кесишган чорраҳа бошида суҳбатлашиб турардик. Бу ерда яқин вақтгача ҳам олақуроқ дўконлардан иборат бозорча бўлгувчийди. "Болалар шаҳарчаси"га айланма йўл орқали ўтиларди. Сал нарида бир вақтлар қурилиши бошланиб, кейинчалик ташлаб қўйилган кўримсиз, нурсиз бинолар қалашиб ётарди. Эндичи? Бир йил муқаддам бу ерда бўлган одам дафъатан ўша чорраҳада турганига ишониши қийин. Атиги икки ой ичида бу ерда улкан фавворали сайилгоҳ яратилди. Асрларни "қаритган" тор-тақчил, қинғир-қийшиқ айланма йўл ўз ўрнини кенг ва равон кўчага бўшатиб берди. Ўзбекистон кўчасидан то Андижон халқа йўлига бора-боргунча кўчанинг икки томонида бири-биридан гўзал, бири-биридан муҳташам, икки-уч қаватли ярақлаган бинолар қад ростламоқда. Бу биноларнинг чиройига, маҳобатига, жозибасига, меъморий ечимига қараб, ҳайратга тушасан киши. Йўл ёқалари, йўлакларда япон сафораси, каштан каби манзарали дарахтлар барқ уриб ўсяпти. Қаёққа қараманг, гул, гул, гул...

— Бизнинг Андижон шунчалар зички, чойнакдан бир пиёла чойни қуйиб, шу ўзимизнинг "Ласетти"да вилоятни бир айланиб қайтсангиз, ўша қуйган чойингиз совимасдан турган бўлади, — дейди Хатибжон ота. — Давлатимиз раҳбари бундан икки йил аввал вилоятимизда бўлганларида Андижоннинг худди шу жиҳатини назарда тутиб, бундан буён пишиқ ғиштдан, кўриниши кўркам, бир неча авлодга ярайдиган икки-уч қаватли уйлар қуришни маслаҳат бергандилар.

(Давоми 2-бетда).



## 2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун



***Мамлакатимиз мустақиллиги халқимизга озод ва фаровон ҳаёт, тинч-осуда турмуш, янги-янги имкониятлар ва буюк келажак инъом этди. Юртдошларимиз бундай бебаҳо неъматлардан руҳланиб, Истиқлолнинг илк кунлариданоқ ўзларининг фидокорона меҳнати билан эл-юрт равнақига ҳисса қўшишни дилга тугдилар. Бу эзгу мақсадлар йўлидаги орзу-интилишлар давлатимиз рамзлари — байроқ, герб, мадҳиямизда ўзининг ёрқин ифодасини топди.***

## ҒУРУР ВА ИФТИХОР РАМЗИ

Бугун халқимизнинг шон-шарафи, маънавий-маданий мероси, миллий анъана ва қадриятлари, ор-номуси, тарихий хотираси ҳамда орзу-умидларини ўзида мужассам этган ушбу муқаддас рамзлар ҳаётимиздан чуқур жой эгаллаб, ҳар бир юртдошимиз учун ғурур ва ифтихор тимсолига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби бундан роппа-роса 18 йил муқаддам — 1992 йил 2 июлда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонун асосида қабул қилинди ва у мустақиллигимиз рамзи экани ҳуқуқий асосда мустаҳкамлаб қўйилди. Шу санадан эътиборан Давлат герби тасвири мамлакатимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари биноларига ўрнатилди. Шунингдек, олий рамзимиз тасвири муҳрларда, давлат идоралари сарварақларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва фуқаролар паспортида ҳамда қонунда белгиланган бошқа ўринларда акс эттирилди.

(Давоми 2-бетда).

***Бельгияда нашр этиладиган "New Europe" ҳафтаномасида Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётига бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди.***

## «NEW EUROPE» ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

**Дунё нигоҳи**

Жумладан, "Ўзбектелеком"нинг соф фойдаси 10,4 миллиард сўмга ошди" сарлавҳали мақолада "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Кузатув кенгашининг компания ижроия органлари раҳбарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари иштирок этган йиғилиши ҳақида ҳикоя қилинади. Унда компаниянинг 2010 йил биринчи чораги давридаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ҳамда Кузатув кенгаши ваколати доирасига кирувчи бошқа масалалар кўриб чиқилгани айтилади. Таъкидланадики, ҳисобот даврида компания фойдаси 68,7 миллиард сўмни (2009 йилнинг шу давридагига нисбатан таққосланганда 108,8 фоизни) ташкил этиб, режа 104,9 фоизга бажарилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида умумхўжалик фаолиятидан 12,5 миллиард сўм фойда кўрилган ва соф фойда 10,4 миллиард сўмни ташкил этган.

2010 йилнинг биринчи чорагида сарфланган 14 миллион сўмдан зиёд капитал қўйилмалар, жумладан, 4,3 миллион сўм компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан, 44 миллион сўм аҳоли маблағларидан ва 9,6 миллион сўм хорижий кредитлар ўзлаштирилган.

"Ўзбекистон Марказий банки қайта молиялаш ставкасини 14 фоизда қолдирди" сарлавҳали мақолада 2010 йилдаги монетар сиёсатининг асосий йўналишларидан, шунингдек, асосий ташқи иқтисодий шароитлар ва пул массасини тартибга солишга хизмат қилувчи инфляция ҳамда девальвация босимининг камайишини таъминлаш мақсадида инфляциянинг мавжуд ва кутилган даражасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Марказий банки қайта молиялаш ставкасини 14 фоизда сақлаб қолгани таъкидланади.

"Ўзбекистон 2011 йилга бориб электр энергиясини ҳисобга олишни модернизация қилади" мақоласида Чехиянинг "Inekon Power" — "Sitronics" компанияси ва "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ўртасида имзоланган электр энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини йўлга қўйиш ва Ўзбекистонда электр энергияси истеъмолини назорат қилиш борасида стратегик шериклик тўғрисидаги меморандум ҳақида сўз юритилади.

Таъкидланадики, лойиҳани амалга ошириш келгуси йилдан бошланади ва бир йилга мўлжалланган бўлиб, унинг қиймати 34,8 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

"Лойиҳанинг ишга туширилиши йилига 2,75 миллиард кВт-соат электр энергиясини тежайди, шунингдек, 1,9 миллион тонна турли газларнинг ҳавога кўтарилиб кетишини камайтиради. Иқтисод қилинган электр энергиясининг қиймати эса йилига 125 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Дастурни "Ўзбекэнерго"нинг ўз маблағлари ҳамда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурслари ҳамда хорижий сармоялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаштириш режалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳанинг ишга туширилиши умумий қиймати 360 миллион АҚШ долларидан иборат бўлган электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини модернизация қилиш дастурининг биринчи босқичи саналади".

**«Жаҳон» АА.**

***Ҳаммамизнинг қалбимизни оғир изтиробга солган, Қирғизистоннинг Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида инсонийликдан мутлақо йироқ ёвуз кучлар томонидан содир этилган машъум фожиалар рўй берган кунларда бир гуруҳ ҳамкасбларимиз билан бирга биз дастлаб Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманидаги Ёрқишлоққа етиб бордик.***

## БАРЧА ЖИНОЯТЧИЛАР ҚОНУНИЙ ЖАЗОГА ТОРТИЛИШИ ШАРТ

**Муносабат**

Юртимиз далалари олтиндек товланиб, етилган буғдойлар ўроққа кирган палла. Чегаранинг у томонида, Ўнадир қишлоғидаги жабрдийдаларнинг ёндириб юборилган уйларидан бурқсаб чиқаётган тутун, жавдираб турган юзлаб ёш болалар, муштипар оналар, ҳомиладор аёллар, қариялар, ногирон ва ярадорларнинг кўзларидаги даҳшатли қўрқув... Сарҳаднинг бу томонида эса бизнинг далаларимизда шовуллаб турган ғаллазор... Бу икки хил манзара тинч, осойишта ҳаёт билан мудҳиш қирғин ўртасидаги, вайронакорлик ва бунёдкорлик ўртасидаги кескин тафовутни яққол кўрсатиб турарди.

Биз икки ҳафтадан зиёд вақт давомида ана шу қирғиндан жабр кўрганлар жойлаштирилган муваққат лагерларда бўлиб, давлат ва жамоат идоралари вакиллари, тиббиёт ходимлари, маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда таърифга қалам ожизлик қиладиган оғир мусибатни бошидан кечирган, яқинларидан, уй-жойидан, мол-мулкидан жудо бўлган инсонларга қўлимиздан келганича ҳамдард бўлиб, уларга таскин бериб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдик.

Улар билан бўлган изтиробли суҳбатларда Ўзбекистон халқига, унинг раҳбарига миннатдорлик туйғулари билан бирга, бу жафокаш одамларнинг дилини ўртаётган аччиқ бир саволни сездик. Яъни уларнинг барчаси, ана шу қабиҳ жиноятни ташкил этган, босқинчи тўдаларни уюштириб, маблағ ва қурол билан таъминлаган, бу қотилларни тинч аҳолига қарши йўллаган кучлар ким, уларга жазо берми, деган саволни қайта-қайта такрорлар эди.

Шундай кескин бир вазиятда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Бухоро вилоятига сафари чоғида мазкур воқеаларга муносабат билдириб, "Бу хунрезликни амалга оширганлар — булар ташкилотчилар бўладими, ижрочилар бўладими — барча жиноятчиларга жазо муқаррар", деб қатъият билан айтган сўзлари жабрдийда инсонларга катта руҳий тасалли бўлди.

Куни кеча Президентимизнинг Қирғизистон Республикаси ўтиш даври Президенти Роза Отунбоевага йўллаган телеграммасида Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган қонли ва ғайриинсоний воқеалар юзасидан мутахассислар ҳамда халқаро экспертлар иштирокида холис ва адолатли терговўтказилиши зарурлиги, бу, ўз навбатида, кўп асрлардан буён Қирғизистон жанубида яшаб келаётган қирғиз ва ўзбек миллатига мансуб аҳоли манфаатларининг муштараклиги ва узвийлигини намоён этиши алоҳида таъкидлангани мазкур мураккаб масалани амалий жиҳатдан ечишга қаратилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Биз, Ўзбекистон ёзувчилари, ижодкор ёшлар давлатимиз раҳбарининг бу ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Токи бу фожиали кунлар орқада қолиб, ҳеч қачон қайтарилмасин.

Барчамизнинг эзгу орзуимиз бўлган тинчлик-осойишталик ва барқарорликни бутун минтақамизда мустаҳкамлаш, бўлиб ўтган воқеалардан жабр чеккан минг-минглаб инсонларга нисбатан адолатни қарор топтиришга эришишнинг асосий шарти ҳам ана шундан иборат, деб ўйлаймиз.

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

**Айём нафаси**

Дунёда неки мавжудот бор, ўз маконини эъзозлайди. Ҳатто полапонларини учирма қилишга ўргатаётган жонсарак қушлар ҳам ўз ини атрофида ҳар доим парвона, чуғурчиғига кўз-қулоқ бўлишади. Бинобарин, сизу бизнинг орзу-умидларимиз ҳам, эзгу ниятларимиз ҳам ўз Ватанимизда бўй чўзади. Шунинг учун бўлса керак, юрт ҳақида гап кетганда, она сўзини, албатта, тилга оламиз. Зеро, ота-онамиз бизга нечоғли мўътабар бўлса, Ватанимиз ҳам шу қадар бебаҳодир.

Озод ва обод, энг муҳими, тинчлик-осойишталик ҳукмрон юртга байрамлар ярашади. Шу маънода, Президентимизнинг куни кеча эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори беқиёс аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

**Ўзбекистон — Франция:**

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

***Халқаро ҳамкорлик марказида 1 июль куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Франция ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, савдо, сармоя, нефть-газ, банк-молия, машинасозлик, авиасозлик, табиий ресурсларни ўзлаштириш, қишлоқ ва сув хўжалиги, авиаташув, геология, фармацевтика, тўқимачилик, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, суғурта, кимё, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари, сайёҳлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия ҳамраиси Э. Ғаниев мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилишга, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга, иқтисодиёт, фан-техника, маданият ва ҳаво транспорти соҳаларида ҳамкорликка оид битимлар, шунингдек, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. 2009 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 189,6 миллион

(Давоми 2-бетда).

## Темир йўл транспорти тизими ривожланмоқда

**Бир рақам шарҳи**

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда темир йўл транспортини ривожлантириш лойиҳалари бўйича ўзлаштирилган маблағ

**62,4** миллион АҚШ долларини ташкил этди.

***Бу темир йўл транспорти паркини замонавий тезюрар поездлар билан бойитиш, тизимни модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишларини янада жадаллаштириш имконини берди.***

# ИСТИҚЛОЛДАН ЯШНАГАН ЗАМИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун шаҳримизнинг ўн бешта марказий кўчасида, туманларимиздаги асосий йўл ёқаларида ҳам худди мана шунақа кўп қаватли бинолар қуриляпти. Андижонимиз мамлакатимизнинг энг гўзал, энг обод гўшасига айланиб бормоқда. Орзуларимиз рўёбга чиқмоқда. Буларнинг ҳаммаси улуғ Истиқлолимиз шарофати билан, узоқни кўра биладиган, мард ва танти Юртбошимизнинг биз, андижонликларга юксак эътибори, ғамхўрлиги туфайли бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бугун нафақат Андижон шаҳрида, балки вилоятнинг барча туманларида қад ростлаётган бундайин икки-уч қаватли бинолар аҳоли зич яшайдиган Андижон учун, шубҳасиз, катта аҳамият касб этмоқда. Аввало, бундай уйлар аҳоли турмуш тарзига бир қатор қулайликлар олиб киряпти. Иккинчи, учинчи қаватдаги меҳмонхона, ётоқхона, болалар ва компьютер хоналари, шинам ошхона уй соҳибларининг яйраб яшашларига имкон бермоқда. Муҳими, бундай туражойларнинг биринчи қаватида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, касаначилик, савдо, сервис хизматини йўлга қўйиш мумкин бўляпти. Демак, ҳар бир оилага қўшимча даромад, фаровонлик кириб келяпти.

Ўзбекистон кўчаси бўйлаб сайр этарканмиз, йўл устида "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи тадбиркор Олимжон Элчиев билан гурунглашиб қолдик.

— Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгач, электр жиҳозлари корхонасидан ижарага дўппидек жой олиб, болажонларимиз учун уч ғилдиракли велосипед ишлаб чиқараётгандик, — дейди у. — Лекин яшаш жойим билан устахонамнинг олислиги кўп қийинчиликлар туғдираётганди. Мана энди шундоқ катта йўлнинг ёқасидан жой беришди, меъморлар билан маслаҳатлашиб, пишиқ ғиштдан қўшқаватли бино қуряпмиз. Битиб қолаёзди. Энди янги уйимизнинг биринчи қаватига ишхонамни кўчириб келаман. Шундоқ йўлакка велосипед деганнинг ўнўн беш хилини териб қўяман. Иш жараёним ҳам ўтган-кетганларга шундоққина кўриниб туради. Энг қувончлиси, болаларим эртаю кеч ёнимда, кўз остимда бўлади. Менга қарашиб, кўзи пишиб, муомала-муносабатни ўрганиб, чин маънодаги тадбиркор бўлиб улғаяди.

— Кўчамизда жойлашган 56 хонадонда шу каби қурилиш, таъмирлаш ишлари олиб бориляпти, — дея суҳбатимизга қўшилади маҳалла фуқаролар йиғини раиси Назиржон Солиев. — Ҳозирнинг ўзида қирққа яқин оила замонавий уйларга кўчиб ўтиб, ҳамшаҳарларига савдо, маиший хизмат, ҳунармандчиликнинг турли соҳаларида хизмат кўрсатишни бошлаб юборди.

"Обиҳаёт" каналига яқинлашар эканмиз, жаҳон шаҳарсозлиги анъаналари асосида тикланган, меъморий ечими бутунлай ўзгача уч қаватли кўркам бино эътиборимизни тортди. Ўтган-кетганнинг ҳавасини келтираётган бу бинони тадбиркор Тоҳиржон Ашуров ўз шахсий маблағи ҳисобига қурибди. Биринчи қават қурилиш материаллари ва хўжалик ашёлари дўконига айлантирилибди. Иккинчи, учинчи қаватларда эса сўнгги пардозлаш ишлари кетяпти.

— Шундай уйда яшаш бир умрлик орзуим эди, — дейди хурсандчиликдан кўзлари чақнаб Тоҳиржон ака. — Иккинчи қаватда ўзим оилам билан яшасам, учинчи қаватга келин туширмоқчиман. Бизга шундай имкониятлар яратиб берган Президентимизга мингдан-минг раҳмат!

Бугун Ўзбекистон кўчаси том маънода Андижоннинг "Тадбиркорлар кўчаси"га айланиб бормоқда. Ҳар қадамда устахона, маданий, маиший, савдо шохобчалари... Эътиборлиси, бу биноларнинг ҳеч бири ташқи кўриниши билан ҳам, ранги-рўйи билан ҳам бири-бирини такрорламайди. Меъморий ечими, дизайни, безаклари бутунлай бетакрор, ўзига хос.

Ва ниҳоят Ўзбекистон кўчаси бизни Андижон шаҳрини олмос камардек қучиб турган, ойнадек равон, гулу гулзорга бурканган ҳалқа йўлига олиб чиқади. Бу ерда, шундоқ йўл ёқасида йирик, замонавий савдо мажмуаси ён-атрофга алоҳида кўрк-тароват бағишлаб турибди. Аҳолига, йўловчиларга бир қатор қулайликлар берган бу ажойиб мажмуа "Алоқабанк" вилоят бўлими томонидан молиялаштирилган бўлиб, бу ерда қарийб 2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган.

Ҳалқа йўли орқали Андижоннинг кечаю кундуз ҳаёт қайнаб турадиган Мустақиллик, Алишер Навоий номли, Бобур шаҳарчаларига ўтамиз. Ён-атрофи гулларга бурканган кенг, равон йўллар, жаҳон шаҳарсозлигининг энг яхши анъаналари миллий меъморчилигимиз билан уйғунлаштирилган ҳолда тикланган бири-биридан кўркам бинолар. Дунёнинг манаман деган давлатларидаги тўрт юлдузли, беш юлдузли "Hotel"лардан қолишмайдиган меҳмонхоналар... Дов-дарахтларга бурканган сўлим хиёбонлар. Ана, яқиндагина "Универсиада — 2010" тантаналари ўтган, кўрку салобати билан шаҳарга алоҳида файз бағишлаб турган "Соғлом авлод" стадиони... Ёшлар саройи... "Андижон" савдо мажмуаси... Мана бу маҳобатли бино эса бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган, мамлакатимизга минглаб спортчи ёшларни тарбиялаб бераётган Андижон Олимпия захиралари коллежи... Футбол академияси...

Биз шу ерда Президентимиз билан юзма-юз суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлган академия раҳбари Илҳомжон Устахонов билан учрашдик.

— Юртбошимиз келиб кетганларига қанча кун бўлган бўлса, шунча пайтдан бери ҳаяжондаман, — дейди Илҳомжон. — Мен шундай улуғ инсон билан, мустақиллигимиз меъмори билан қачондир учрашишни, суҳбатларида бўлишни Асакадаги автомобиль заводи қурилишида ишлаб юрганим, 1996 йилдаёқ дилимга туккандим. Орзуим ушалди.

"Футбол академиясини Андижон футбол коллеж-интернатига айлантириш керак. Бу ўқув юрти Ўзбекистон футбол федерацияси таркибида, ҳомийлигида фаолият юритиши мақсадга мувофиқ бўлади", дедилар Президентимиз. Бу, ахир, бизнинг кўп йиллик орзу-армонимиз эди-ку! Яна "Шундай қилсак, яхши бўладими, сиз нима деб ўйлайсиз?" дея менинг фикрим билан ҳам қизиқдилар...

Шу кунларда футболсевар болалар орасидан энг иқтидорлиларини танлов асосида саралаб оляпмиз. Давлатимиз раҳбари билдирган ишончни оқлаш учун астойдил меҳнат қилаяпмиз. Кўрасизлар, Андижондан Ўзбекистон довруғини етти иқлимга таратадиган, ўз ўйинлари билан жаҳонни лол қолдирадиган футбол юлдузлари етишиб чиқади.

Илҳомжоннинг бу яхши ниятига, аҳду қарорига етишига шубҳа қилмаймиз. Ахир бу мустақил Ўзбекистонимизга Олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон чемпионлари Ўткирбек Ҳайдаров, Дилноза Қамбарова, Мавлонбек Қаҳҳоров, жаҳон кубоги ғолиблари Антонина Маскалева, Татьяна Левина, Темур Шириев, Ҳожиакбар Ҳайдаров каби машҳур спортчиларни етказиб берган Андижон!

Шу ўринда мавзуга доир айрим рақамлар: бугун Андижон Олимпия захиралари коллежида мингдан ортиқ ўқувчи бир қанча спорт йўналишлари бўйича таълим олмоқда. Ҳозирда вилоятда жами 4578 та, жумладан, 37 та стадион, 727 та спорт зали, 40 та сузиш ҳавзаси, 153 та теннис корти ва бошқа спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар муҳайё этилган... Кейинги икки йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан 5 та замонавий болалар спорт мажмуаси, 6 та спорт зали ва бошқа иншоотлар қурилди. Бу ишлар учун қарийб 6 миллиард сўм маблағ сарфланди.

— Андижон қурилиш, бунёдкорлик соҳасида бу қадар илгарилаб кетганлигининг боиси нимада? — сўраймиз ҳамроҳимиз Хатибжон отадан.

— Бу саволга Юртбошимиз андижонликлар билан учрашувларида жуда чиройли жавоб бердилар, — дейди отахон. — "Истиқлол туфайли одамларимизнинг дунёқараши ўзгарди, орзу-ҳаваслари ошди, — дедилар Президентимиз. — Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ "Биздан озод ва обод Ватан қолсин" деган шиорни ўртага ташлаган эдик. Ўтган йиллар ичида бу шиор одамларимизнинг муқаддас мақсадига айланди. Халқимиз яшайдиган жойини янада чиройли, янада обод қилиш ҳаракатига тушди".

Юртбошимиз "Инсон ёруғликка, гўзалликка интилиб яшаши керак", деган иборани тез-тез такрорлаб турадилар. Бу гаплар, мен сизларга айтсам, андижонликларнинг кўнглига кўчганига, кундалик юмушига айланганига анча бўлган. Мана, ўн тўрт йилдирки, вилоят шаҳар ва туманлари ўртасида "Андижонни обод ва кўркам вилоятга айлантирайлик" кўрик-танлови ўтказиб келинади. Ушбу танлов йил аввалида бошланиб, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик тантаналари куни якунланади.



Мана бу рақамларга бир эътибор беринг-а: Андижон шаҳрини Бош режа асосида қайта қуриш натижасида умумий қиймати 24,6 миллиард сўмлик 316 та объект қад ростлади. Биргина тадбиркорлар ва ҳомийлар ҳисобидан 120 та кўп қаватли уйнинг фасад кўринишлари замонавий қиёфа касб этди. Бунинг учун 300 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, марказий кўчалар, хиёбонлар, кичик даҳалардаги пиёдалар юриш йўлакларини равонлаштиришга 6,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. 6 та фаввора қурилди, бунинг учун 510 миллион сўмлик иш бажарилди. Шаҳарда сўнгги етти-саккиз ой ичида 1320 та уй-жой қайта қурилди. Йўл ёқаларига 1330 та тунги ёритқичлар ўрнатилди. 2010-2011 йиллар ичида янги типдаги, замонавий ва гўзал иморатлар сони яна 716 тага кўпаяди.

Бугун Андижоннинг шаҳри-ку шаҳри, ҳеч бир қишлоғида ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларида кўзга ташланиб турадиган ўйдим-чуқур йўлларни, пана-пасқам уйларни учратмайсиз. Энди бу атрофда турфа гуллар барқ уриб ўсиб ётибди. Қишлоқларимиз шаҳарга тенглашди. Авваллари қишлоқликлар шаҳарда яшашни орзу қилишган бўлса, энди шаҳарликлар қишлоққа талпинишаяпти.



Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

Мустақиллик туфайли Андижон том маънодаги саноати ривожланган, дунёга юз тутган индустриал вилоятга айланди. Бугун Асакадан чиқаётган турли русумдаги автоуловларни дунёнинг кўплаб йўлларида учратиш мумкин. Андижонимизда юзга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатяпти. Куни кеча улар сафига яна биттаси қўшилди. Избоскан туманининг Чувама қишлоғида Хитой Халқ Республикасининг 300 ишчи ўрнига эга бўлган, 18,0 миллион АҚШ долларилик, йилига 10 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга "NANVANG RED COTTON ANGEL TEXTILE" хорижий корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Бу ютуқларимизнинг, бу ўсиш-ўзгаришларнинг бошида муҳтарам Президентимиз турибдилар. Бу оламшумул, тарихий ишлар замирида давлатимиз раҳбарининг фидойилиги ётибди.

Яна бир гап. Мустақилликкача бутун бошли Андижон вилоятида атиги бир дона ғишт заводи бўларди. Бугун 83 та ғишт заводи ишлаб турибди. Бугун-эрта яна биттаси ишга тушади. Битта ҳам черепица ишлаб чиқарадиган корхонамиз йўқ эди. Бу маҳсулотга эҳтиёж туғилса, четдан олиб келардик. Бугун вилоятимизда нақд 5 та черепица заводи фаолият кўрсатяпти...

Вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Қодиржон Тожибоевни Андижон — Олтинкўл катта йўлида учратдик.

— Президентимизнинг вилоятимизга ташрифлари давомида биз жуда кўп йўл-йўриқлар олдик, — дейди Қодиржон. — Бугун замон талабига жавоб берадиган шаҳарсозлик тамойилларини яратмоғимиз керак. Бу, аввало, юрт ҳуснини очади, одамларнинг яшаш тарзини ўзгартиради, маънавиятига, янги авлод тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Айни пайтда Юртбошимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори диққат марказимизда турибди. Ўтган йили ана шу қарор асосида Асака, Олтинкўл, Шаҳрихон туманларида намунавий лойиҳалар асосида 60 та уй-жой қуриб, эгаларига топширдик.

Давлатимиз раҳбари Олтинкўл туманидаги Иттифоқ маҳалласида бўлганларида янги битказилган уй-жойларни кўриб, хонадон соҳиблари билан суҳбатлашиб, ҳар бир ҳовлида шахсий машиналарни сақлаш учун гараж бўлиши кераклиги, ҳовли учун ҳам 4 сотих эмас, 6 сотих ер ажратилиши зарурлигини уқтирдилар, қимматли маслаҳатларини бердилар. Вилоятимиз туманларида бу йил қуриб битказиладиган 620 та уй-жой қурилишида биз буни, албатта, жорий қиламиз. Аллақачон лойиҳаларимизга ўзгартишлар киритиб, ишни бошлаб юборганмиз.

Бугун Андижон ҳақиқий қурилиш майдонини эслатади. Шаҳар йўлларида ҳам, туман, қишлоқ йўлларида ҳам ғишт, цемент, қум, тахта, ёғоч каби қурилиш ашёлари ортиб олган машиналарга тез-тез кўзингиз тушади.

Вилоят шаҳар-қишлоқларида ҳар қадамда бир янгилик, ташаббуслар, тадбирлар: пойтуғлик спорт усталари, тўрт ака-ука Мамажоновлар ўзлари туғилиб ўсган Чўнг қишлоғида болалар ва ўсмирлар учун спорт саройи бунёд этишди... Марҳаматлик ака-ука Самадовлар эса 1,5 миллиард сўм маблағ сарфлаб ҳамқишлоқларига ҳам мактаб, ҳам боғча қуриб беришди... Избосканлик яна бир тадбиркор Равшанбек Абдулҳакимов Майтир қишлоғида маданият ва истироҳат боғи бунёд этди... Қўрғонтепалик Алижон Аҳмедов раҳбарлигидаги "Оқсув" фермер хўжалиги "Ўзбекистон ҳаво йўллари"га шартнома асосида пишлоқ етказиб беришни йўлга қўйди... Бундай янгиликларни санаб саноғига етиш қийин.

Президентимиз Андижонда бўлганларида бутун мамлакатни бу ерга чорладилар. Ҳамма-ҳаммани Андижондаги қурилишларни, ободончилик ишларини келиб, ўз кўзлари билан кўришга, андижонликлардан ибрат олишга чақирдилар. Бугун бутун Ўзбекистон Андижон тажриба мактабини ўрганаяпти. Дарҳақиқат, бу заминда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини бевосита кўриш, ундан завқ олиш керак.

Андижонликлар ўз юртларини севадилар. Ўзбекистон аталмиш тарихи бой, келажаги буюк мамлакат фарзанди эканликларидан фахрланадилар. Шу беқиёс юртга, улуғ аждодларимизга, мард ва доно Юртбошимизга муносиб бўлишга ҳар доим, ҳар он ҳаракат қиладилар, интиладилар.

Ҳамма гап ана шунда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**Али ЗИЁДОВ.**

# ҒУРУР ВА ИФТИХОР РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гербимизга назар ташлар эканмиз, унда халқимизнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз аксини топганига, тасвирдаги ҳар бир ранг, ҳар бир чизиқ, ҳар бир белгида рамзий маъно мужассамлигига гувоҳ бўламиз. Унда тоғлар, дарёлар фусункор заминимизга жўшқинлик бахш этиб турибди. Бу — мангулик, улуғворлик рамзи. Гуллаган водий узра заррин нур сочиб турган Қуёш ҳаётимиз нурафшон эканлигини англатади. Чамбарга ўралган буғдой бошоқлари, яна бир томонда эса чаноқлари қийғос очилган ғўза шохлари тўқлик-тўкинлик, фаровонликдан нишона. Гербнинг юқори қисмидаги истиқлолимизни ифода этувчи саккиз бурчак — мусамман, унинг ички қисмидаги яримой ва юлдуз тасвири қадриятларимиз боқийлиги, маънавиятимиз юксаклиги, иродамиз букилмаслигига ишора.

Гербимиз марказида бахт ва эрксеварлик, саодат ва ҳиммат, олижаноблик ҳамда омад тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши. У қанотларини ёзиб, парвозга шайланмоқда. Пастки қисмида юртимиз Давлат байроғини ифода этувчи чамбар тасмасига "Ўзбекистон" сўзи битилган.

Мамлакатимизда давлат рамзлари, шу жумладан, Давлат герби ҳам қонун билан муҳофаза қилинади. "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Зеро, шу табаррук заминда туғилиб-ўсган, шу муқаддас диёр бағрида умр кечираётган инсон давлатимизнинг ҳар қандай рамзу тимсоли замирида Ватанни севади, эл-юртни қадрлайди.

**Ф. БЎТАЕВ.**

## Ўзбекистон — Франция:

# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

АҚШ долларини ташкил қилди. Мамлакатимизда франциялик сармоядорлар иштирокида 15 қўшма корхона тузилган. Франциянинг 15 компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

Ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш ва ишбилармонлар ўртасидаги бевосита ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Франция ҳукуматлараро комиссияси мунтазам равишда мажлислар ўтказиб келмоқда. Бу ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканидан далолатдир.

— Франция Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор билан қарайди, — деди Франция Республикасининг ташқи савдо бўйича давлат котиби, комиссия ҳамраиси Анн Мари Идрак хоним. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бораётгани ҳамкорлигимиз изчил тараққий этаётганидан далолатдир. Францияли ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликдан жуда мамнун. Ўзбекистон кўплаб соҳаларда, жумладан, сайёҳлик ва тоғ-кон саноати каби жабҳаларда улкан салоҳиятга эга мамлакат. Бу йўналишларда узоқ муддатли шериклик алоқаларини йўлга қўйиш ва кенгайтиришдан манфаатдормиз. Ўзбекистон ва Франция ишбилармонлари ҳамкорлиги келгусида юксак самаралар беришига ишонамиз.

Анжуманда франциялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика, кимё, қишлоқ ва сув хўжалиги, автомобилсозлик, сайёҳлик, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати каби соҳалардаги салоҳияти, "Навоий" эркин-индустриал иқтисодий зонасидаги имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шу куни Ўзбекистон ва Франция ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Форумда меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Анжуманда Франциянинг қатор йирик компанияларидан кўплаб вакиллар иштирок этганининг ўзиёқ ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши нечоғли катта эканидан далолат.

Тадбирда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, қўшма корхоналар сонини ва ўзаро савдодаги маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Ўзбекистон ва Франциянинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш учун банк-молия муассасалари алоқаларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Франция ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларни Францияга экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

### Яхши хабар

# Хонадонларга газ келди

Гулистон туманидаги Усмон Носир ва Бешбулоқ маҳалласи, Сайхунобод туманидаги Амир Темур маҳалласи, Мирзаобод туманидаги Пиллакор маҳалласи ҳамда Сирдарё шаҳрининг Пахтакор кўчасига янги тармоқлар тортилиб, аҳолининг газ таъминоти яхшиланди. Натижада бир неча юзлаб хонадонга беминнат "зангори олов" кириб борди.

Таъкидлаш лозимки, вилоятда ўтган олти ой мобайнида 17,3 километрлик газ қувурлари тортилди. Бунинг учун 531 миллион 300 минг сўм маблағ сарфланди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

19 йил. Ўтган йиллар мобайнида Президентимиз раҳнамолигида улкан муваффақиятларга эришдик. Кечагина дунё мамлакатлари сафида ўз Конституциямизга, Байроғимизга, Гербимизга, Мадҳиямизга эга бўлганимиз учун қувонган эдик. Шукрки, бугун ўз сўзимиз, ишимиз, иқтидоримиз билан фахрланаяпмиз. Бир пайтлар чет эл у ёқда турсин, ўзи яшаётган юртнинг марказида ўқиш учун машаққат чекканларнинг фарзандлари бугун жаҳоннинг ривожланган давлатларида таҳсил олмоқда.

Президентимиз имзолаган ушбу ҳужжатда алоҳида қайд этилганидек, беназир неъмат — истиқлолнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва тарғиб этишда расмиятчилигу баландпарвозликдан холи тадбирларга алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, шу кунларда мамлакатимизнинг барча жойларида энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллик шодиёналарига ҳозирлик кўрилмоқда. Жонажон Ўзбекистонимизнинг дадил одимлар билан ривожланаётгани, тенглар ичра тенг мамлакат эканлиги, шаҳару қишлоқларимиздаги янгиланишлар, энг олис ҳудудларда ҳам кўз кўрса қувонадиган биноларнинг қад ростлаши, замонавий туражойлар барпо этилиб, ўз эгаларига топширилиши, фарзандларимизнинг муҳташам ва янги ўқув масканларида билим олаётгани Истиқлол шарофатидандир. Бу янгиланишларни юрак-юракдан ҳис этиб яшаш ва қадрлаш эса ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Қарорда улуғ байрамимизнинг жорий йилда бутун юрт бўйлаб "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" деган ғоя асосида нишонланиши кўрсатилган. Бунинг замирида ҳам 19 йил мобайнида ҳаётга татбиқ этилган барча соҳадаги ислоҳотлар инсон учун, унинг манфаатлари учун эканлиги ва бу борада эришилган ютуқлардан фахрланиш туйғуси мужассам. Зотан, Президентимизнинг Истиқлолнинг 18 йиллигига бағишланган байрам табригида айтилганидек, "Ўтган давр мобайнида бошимиздан кечирган қийинчилик ва синовлар қанчалик оғир бўлмасин, биз уларнинг барчасига мардона бардош бериб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик. Ва ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, шу муқаддас заминимизда яшаётган барча инсонлар учун ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз".

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган беқиёс ислоҳотлар боис эндиликда нафақат марказий жойларда, балки чекка-чекка масканларда ҳам янгидан-янги иншоотлар барпо этилаяпти. Эл-юрт учун ишга туширилаётган ижтимоий-маиший объектлар, кенг ва равон йўллар инсон ва унинг манфаатига қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир. Зотан, одамлар онгу тафаккуридаги ўзгариш — мустақиллик йилларидаги энг катта ютуқдир. Шунинг учун ҳам озодлик деган сўз, элим деб, юртим деб ёниб яшайлик, деган шиор ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Истиқлол фақат эркинликни эмас, балки қандай яшашни, бошқалардан кам бўлмасликни ҳам дилимизга жо қилди. Президентимизнинг оқилона сиёсати, узоқни кўзлаб олиб бораётган раҳнамолиги боис мураккаб ва шарафли йўл босиб ўтилди, кўз кўрса қувонадиган улкан натижаларга эришилди. Демак, бу сана Ўзбекистон тарихида, миллатимизнинг келажаги ва тақдирида ғоят улуғ аҳамиятга моликдир. Энг муҳими, одамлар онгида бугунги кундаги муносабатларга янгича нигоҳ билан қараш шаклланди. Жаҳон узра "ЎЗБЕК" деган миллатнинг обрў қозониши, "Ўзбек модели" деган атамаларнинг пайдо бўлиши ана шу қисқа даврда эришилган оламшумул воқеадир.

Шундай экан, ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалган кун — Мустақилликнинг ҳар куни, ҳар соати, ҳар дақиқасини кўзларимизга тўтиёлар айлаб, шодон тантаналар қилсак, арзигай. Мустақилликнинг бебаҳо неъмат эканлигини нафақат зиёлилар, ижодкорлар, балки ҳаммаҳамма дил-дилдан ҳис этсагина, бу қувонч барчамизга бирдек татийди. Зотан, озод юртга байрамлар ярашади, бундай элда тотувлик, фаровонлик барқарорлашади, дастурхон тўкин, хирмон баракали бўлади.

Илоҳим, шундай файзу баракотга кўз тегмасин!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

**Мамлакатимизнинг иккинчи уяли алоқа оператори “COSCOM” МЧЖ ХК (Ўзбекистон Республикасида ўз хизматларини “UCell” савдо белгиси остида кўрсатади) “UCell” ҳамда Экстремал ва тоғ туризми федерациясининг қўшма жамоаси юртимиздаги энг баланд чўққини забт этганлигини маълум қилади.**

## UCell:
# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ БАЛАНД ЧЎҚҚИСИДА

Энг муҳими, ушбу воқеа мустақиллик йилларида биринчи бор рўй берди. Эндиликда 4640 метрдан ортиқ баландликда мустақил Ўзбекистоннинг давлат байроғи мағрур ҳилпираб турибди.

Мазкур тадбирнинг муҳимлигини инобатга олган ҳолда, “UCell” экспедицияни тўла молиялаштирди ва ташкилотчилардан бири сифатида иш юритди. Жорий йилнинг 4 июнь куни 6 нафар альпинист — “UCell” ходимлари Владимир Кириллов, Дмитрий Скрипник ва Екатерина Бушкина ҳамда Экстремал ва тоғ туризми федерацияси аъзолари Александр Осипов, Димитрис Харманис ва Андрей Зубарев Тошкентдан йўл олиб, беш кун деганда чўққини забт этишди.

Давлат геодезия назорати инспекцияси томонидан берилган маълумотга кўра, Ўзбекистоннинг энг юқори нуқтаси Сурхондарё вилоятида жойлашган ва Ҳисор тоғ тизмасига кирувчи 4643 метр баландликка эга номсиз чўққидир. Уни забт этган альпинистлар чўққига муносиб ном беришга тайёргарлик кўришмоқда.




Айни пайтда Ўзбекистон иқтисодий тараққиёти ва спорт ҳамда соғлом турмуш тарзи ривожланишига қўшган ҳиссаси учун “UCell” байроғи ҳам айнан шу чўққига ўрнатилди. Яъни 16 июнь куни нишонланган “UCell” савдо белгиси амалга киритилганининг иккинчи айёмида компания байроғи мамлакатнинг энг юқори нуқтасида ҳилпираб турарди.

— Мазкур экспедиция босиб ўтган йўл рамзий маънода “UCell”нинг Ўзбекистон бозоридаги ривожланиш йўлига ўхшайди. Муваффақият чўққиларига эришиш учун биз бутун кучимизни ишга солишга қодирмиз, — деди “UCell” Бош директори жаноб Огуз Мемигювен. — Ўз уяли алоқа оператори сифатида “UCell”ни танлаган барча абонентларимиз ғурурланишлари учун астойдил иш олиб бормоқдамиз.

Чўққига кўтарилиш осон бўлгани йўқ. Оғир юклар билан 15 километр йўл босиш, 5 километр музликдан ошиб ўтиш, ёғин-сочин ва мураккаб йўл шароитлари тўсқинлик қиларди. Бироқ барча қийинчиликларга қарамай, жамоа салбий ҳодисаларсиз, режа бўйича ишни амалга оширди. Бу натижа Ўзбекистон замонавий альпинизми тарихида улкан ютуқлардан бири бўлгани, шубҳасиз.

— Чўққига кўтарилиш мустақил Ўзбекистон нуфузини янада баланд кўтариш учун амалга оширилди, — деди “UCell” жамоаси етакчиси Владимир Кириллов. — Мамлакатимизнинг энг юқори нуқтасига кўтарилишда альпинистларимиз ўзларининг юксак маҳоратларини намоён этдилар.

Шубҳасиз, бу воқеа спорт соҳасида, хусусан, унинг альпинизм ва тоғ туризми каби турларида нуфузли давлатлар даврасидан Ўзбекистон Республикаси муносиб жой олишига хизмат қилади. Айни пайтда, ушбу экспедиция мамлакатимизда альпинизм ва тоғ туризми соҳасида катта имкониятлар мавжудлигини намоён этиб, спорт ва туризмнинг ривожланишига ёрдам беради.

Айтиб ўтиш жоизки, чўққига кўтарилиш ҳам спорт, ҳам географик нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга ва етиб бориш мураккаб бўлган ҳудудда амалга оширилди. Чўққини забт этиш билан биргаликда, экспедиция аъзолари бошқа муҳим тадқиқотларни олиб бордилар — тоғ тизими ўрганиб чиқилди, унинг харитаси тузилди, чўққига олиб борадиган йўллар белгилаб олинди, атроф-муҳит фотосуратлари олинди.

“UCell” Ўзбекистон тараққиёти, спорт турлари ривожланишини доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда ва бундай ҳаракат келгусида ҳам давом эттирилади.

**Беҳзод РАҲМАТОВ.** t

# ҲУРМАТЛИ ЁШЛАР!

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ**

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ




**қабул эълон қилади.**

***Университет қабул комиссияси 2010/2011 ўқув йили учун қуйидаги таълим йўналишлари бўйича ёшларнинг ҳужжатларини қабул қилишга киришди.***

**КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ ШАКЛИ**

| Т/р | Шифр | Таълим йўналишлари | Жами | Давлат гранти асосида | | | | Тўлов-контракт асосида | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Жами | Шу жумладан | | | Жами | Шу жумладан | | |
| | | | | | ўзбек | рус | қозоқ | | ўзбек | рус | қозоқ |
| 1. | 5140100 | Математика | 150 | 70 | 60 | 10 | | 80 | 65 | 15 | |
| 2. | 5140200 | Физика ва астрономия | 80 | 35 | 30 | 5 | | 45 | 35 | 10 | |
| 3. | 5140300 | Кимё | 60 | 25 | 25 | | | 35 | 35 | | |
| 4. | 5140400 | Биология | 75 | 35 | 30 | 5 | | 40 | 30 | 10 | |
| 5. | 5140500 | География ва иқтисодий билим асослари | 75 | 35 | 30 | 5 | | 40 | 30 | 10 | |
| 6. | 5140600 | Тарих | 100 | 45 | 40 | 5 | | 55 | 45 | 10 | |
| 7. | 5140700 | Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 75 | 30 | 25 | 5 | | 45 | 35 | 10 | |
| 8. | 5140800 | Педогогика ва психология | 125 | 50 | 40 | 10 | | 75 | 60 | 15 | |
| 9. | 5140900 | Касб таълими | | | | | | | | | |
| 10. | 5140927 | Касб таълими: машинасозлик технологияси, жиҳозлар ва машинасозликда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш | 55 | 25 | 25 | 30 | 30 | | | | |
| 11. | 5140938 | Касб таълими: технологик машиналар ва жиҳозлар | 50 | 20 | 20 | | | 30 | 30 | | |
| 12. | 5140934 | Касб таълими: сервис | 50 | 20 | 20 | | | 30 | 30 | | |
| 13. | 5140904 | Касб таълими: агрономия | 25 | 10 | 10 | | | 15 | 15 | | |
| 14. | 5140903 | Касб таълими: амалий санъат | 45 | 20 | 20 | | | 25 | 25 | | |
| 15. | 5141000 | Мусиқий таълим | 75 | 30 | 25 | 5 | | 45 | 35 | 10 | |
| 16. | 5141100 | Ўзбек тили ва адабиёти | 125 | 55 | 55 | | | 70 | 70 | | |
| 17. | 5141200 | Чақириққача ҳарбий таълим | 100 | 40 | 35 | 5 | | 60 | 50 | 10 | |
| 18. | 5141300 | Она тили ва адабиёт | | | | | | | | | |
| 19. | 5141301 | Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти | 75 | 30 | | 30 | | 45 | | 45 | |
| 20. | 5141302 | Она тили ва адабиёти: қозоқ тили ва адабиёти | 25 | 5 | | | 5 | 20 | | | 20 |
| 21. | 5141303 | Она тили ва адабиёти: корейс тили ва адабиёти | 25 | 5 | | 5 | | 20 | 20 | | |
| 22. | 5141400 | Хорижий тил | | | | | | | | | |
| 23. | 5141401 | Хорижий тил: инглиз тили | 100 | 45 | 35 | 10 | | 55 | 40 | 15 | |
| 24. | 5141402 | Хорижий тил: немис тили | 25 | 10 | 10 | | | 15 | 15 | | |
| 25. | 5141500 | Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими | 100 | 45 | 40 | 5 | | 55 | 45 | 10 | |
| 26. | 5141600 | Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш | 120 | 45 | 35 | 5 | 5 | 75 | 55 | 10 | 10 |
| 27. | 5141700 | Мактабгача таълим | 50 | 20 | 17 | 3 | | 30 | 23 | 7 | |
| 28. | 5141800 | Дефектология | 100 | 40 | 35 | 5 | | 60 | 50 | 10 | |
| 29. | 5141900 | Жисмоний маданият | 50 | 20 | 17 | 3 | | 30 | 23 | 7 | |
| 30. | 5142200 | Рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда) | 50 | 20 | | 20 | | 30 | | 30 | |
| 31. | 5142000 | Меҳнат таълими | 25 | 10 | 10 | | | 15 | 15 | | |
| | | **ЖАМИ** | **2010** | **840** | **689** | **141** | **10** | **1170** | **886** | **254** | **30** |

**Абитуриент таълим муассасаси қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширади:**

- *таълим йўналиши, ўқитиш тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза (аризада олий таълим муассасасини тугатганлиги ёки олий маълумоти йўқлиги ҳамда тест синовларини ўтказиш қоидалари ва жавоблар варағини тўғри тўлдириш билан танишганлиги кўрсатилади);*
- *ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асли;*
- *086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;*
- *паспорт нусхаси;*
- *3,5х4,5 см. (паспортдаги каби) ҳажмидаги 6 та фотосурат;*
- *халқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақа ғолибларига ўқишга танловсиз кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатнинг асли;*
- *муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм тавсияномасига эга бўлган абитуриентлар тегишли тавсияномани таълим муассасаси қабул комиссиясига 20 июлгача тақдим этадилар, ундан кейин топширилган тавсиянома қабул қилинмайди.*

***Абитуриент қабул комиссиясига паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатади. Ҳужжатларни қабул қилиш 20 июлгача (шу куни ҳам) давом этади.***

Биз ҳақимизда қўшимча маълумотларни интернетдаги
**WWW.TDPU.UZ ЁКИ WWW.PEDAGOG.UZ**
манзилларидан олишингиз мумкин.

**Манзилимиз: 100064, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қабул комиссияси.**
**Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-371) 256-75-00.**




# БАРКАМОЛЛИК БАЙРАМИ

***Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуасида бадиий гимнастика бўйича III “Кичкинтой” болалар халқаро турнири ташкил этилди.***



Ушбу нафосат ва беғуборлик тадбири юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш учун қаратилаётган катта эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Мусобақа “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилди. Гимнастика байрамида мамлакатимиз ва Қозоғистондан жами бир юз олтмишга яқин жажжи маликалар бири-биридан нафис чиқишлари билан мухлис ва мутахассисларда ғоят гўзал таассуротлар қолдирдилар.

Якунда барча спортчи ва жамоаларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Муҳаммад АМИН**
**олган сурат.**

**Тадбир**

***Наманган шаҳридаги “Навбаҳор” стадионида ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ёшлар акцияси бўлиб ўтди.***

## ЁШЛАР — ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

Вилоят ҳокимлиги, ички ишлар, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, “Камолот” ЁИҲ вилоят Кенгаши ҳамда “Ўзбекнаво” бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда ўн минг нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди. Пойтахтдан ташриф буюрган таниқли эстрада хонандалари ижросидаги Ватанга муҳаббат, ёшликни тараннум этувчи қўшиқ ва рақслардан иборат бадиий дастур тадбирга кўтаринкилик бағишлади.

Бундан ташқари, “аср вабоси”га қарши кураш мавзуида маърузалар ўқилди ҳамда спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш қилинди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

IPOTEKA BANK

# «ИПОТЕКА-БАНК»

АЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

**антивирус дастури лицензиясини сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.**

**Техник талаблар ва тижорат таклифини бериш тартиби www.ipotekabank.uz сайтида келтирилган.**

**Тижорат таклифлари 2010 йил 12 июль соат 12.00 га қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:**
**Ўзбекистон, 100000, Тошкент шаҳри,**
**Мустақиллик шоҳкўчаси, 17-уй,**
**«Ипотека-банк» АТИБ бош офиси.**

**Маълумот учун телефон: (8-371) 150-30-15.**

618R/729

**Tucson**

***Ўз йўлингни танла!***



Drive your way

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.**

HYUNDAI Official Partner
www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11

280R/1835

**Интилиш**

## Сут маҳсулотлари кўпаяди

“Бухоропахтасаноатчорва” масъулияти чекланган жамияти Жондор туманидаги Оқших қишлоғида сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 78 минг АҚШ долларилик замонавий технологик линияни ишга туширди. Айни пайтда бу ерда бир кунда бир тоннагача сут қайта ишланиб, туман аҳолисига 8 турдаги сифатли маҳсулот етказиб берилмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Газета ва газетхон: ЮЗМА-ЮЗ



— Давлат томонидан бериладиган стипендияни тўғридан-тўғри шартнома-контракт тўлови учун йўналтирса бўладими?

**А. АКБАРОВ.**
*Фарғона шаҳри*

## Тўлов манбаининг аҳамияти йўқ

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1999 йил 6 августда 795-сон билан рўйхатдан ўтган "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 14-бандига мувофиқ, ўқиш учун ҳақ жисмоний ёки юридик шахс (буюртмачи) томонидан тўлиқ ёки контрактда белгиланган муддатларда бир йилда кўпи билан икки марта (тўла қийматнинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда) бўлиб тўланади.

Тўловлар манбаидан қатъи назар, мазкур Низом талаблари асосида амалга оширилади.

**У. ТАШКЕНБАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари.**

## Харид чоғида эътиборли бўлинг

*— Тилладан ясалган буюмлар (тақинчоқлар) савдоси билан шуғулланадиган шахслардан тилла узук ва зирак сотиб олдим. Лекин сифатига шубҳа пайдо бўлди, хато қилганимни англадим. Бу менинг қонун-қоидалардан яхши хабардор эмаслигим оқибати, деб биламан. Ушбу масалада тушунча бериб ўтсангиз.*

**Д. ЖУМАНИЁЗОВА.**
*Урганч шаҳри*

— Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори 1-иловасининг "Ўзбекистон Республикаси чакана савдо қоидаларининг қимматбаҳо металлардан ва тошлардан ясалган буюмлар билан чакана савдо қилиш хусусиятлари" тўғрисидаги бандида ушбу буюмлар билан чакана савдо қилиш хўжалик юритувчи субъектлар — белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин, деб кўрсатиб қўйилган. Ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг савдо объектлари номи ҳокимликлар томонидан тасдиқланган дислокацияларга киритилиши керак. Тасдиқланган дислокация ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо тошлар ва қимматбаҳо металлар қўмитаси Давлат пробани аниқлаш палатасининг рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси асосида уларга ҳокимликлар томонидан чакана савдо қилишга рухсатнома берилади. Бундай товарларни сотиш фақат ихтисослаштирилган заргарлик дўконлари, универмаглар, савдо марказлари бўлимлари, секцияларида амалга оширилади.

Ушбу товарларда нуқсонлар (зиракларга тошлар сифатсиз маҳкамланган, давлат проба тамғаси муҳрида камчиликлар бўлса ва ҳ.к.) аниқланган тақдирда харидор тилла буюмни сотиб олган кундан бошлаб 6 ой мобайнидада харид нархи қайта ҳисобланган ҳолда шундай ёки бошқа буюмларга алмаштириш ҳуқуқига эга бўлади. Ёки нуқсонлар текин бартараф этилиши ёхуд харид нархи мутаносиб равишда камайтирилиши мумкин. Бу ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунида ҳам белгилаб қўйилган. Тилла буюмларни фақат махсус рухсатга эга савдо дўконларидан сотиб олиш лозим. Бунда, албатта, касса чекини унутмаслик керак.

**М. ЖАЛАЛОВА,**
**Хоразм вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси раиси.**

**— Ҳомийлик ишларида фаол қатнашган тадбиркорлар солиқ бўйича рағбатлантириладиларми?**

**Б. ЯКУБОВ.**
Андижон тумани

## Имтиёз назарда тутилганми?

— Амалдаги қонунчиликда давлат рўйхатидан ўтган ҳолда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга ҳомийлик ишларида фаол қатнашганликлари учун рағбатлантиришлар белгиланмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 159-моддаси, 1-бандида юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ҳамда спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, ҳомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг икки фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилиши белгилаб қўйилган.

**О. РУСТАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари.**

## ШАРТНОМА АСОСИДА ИШЛАШ ШАРТЛАРИ

*— Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий қисмда шартнома асосида ишлаб қолиш мумкинми?*

**С. СИРОЖИДДИНОВ.**
Наманган тумани

— Шартнома бўйича ҳарбий хизматга кириш тартиби Ўзбекистон Республикаси "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунининг 24-моддасига асосан белгиланган. Мазкур Қонунда муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган ва ҳарбий ҳисобдаги ихтисослик бўйича тегишли касбий тайёргарликка эга ўттиз ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар — оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларига ихтиёрий равишда шартнома бўйича ҳарбий хизматга кириши назарда тутилган.

Шунингдек, шартнома бўйича оддий аскар ва сержант лавозимида ҳарбий хизматни ўташ "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ белгиланган.

**Ш. АРТИКОВ,**
**Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи.**

***— Республикамизнинг айрим вилоятларида тажриба тариқасида зайтун дарахти ўстиришганини эшитгандик. Ҳатто ҳосил олишга ҳам муваффақ бўлинган экан. Айтинг-чи, бизнинг ҳудудимизда ҳам зайтун ўстирса бўладими?***

**Ф. ЙЎЛДОШЕВ.**
Ғузор тумани

## Зайтун қаерда ўсади?

— Зайтун ўсимлиги куртак ҳосил қилиб, барг чиқариши ва гуллаши учун иқлим шароити 18 — 25 даража атрофида иссиқ бўлиши лозим.

Ҳақиқатан ҳам, республикамизнинг субтропик иқлим шароитига эга минтақаларидан бўлган Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги "Зайтунзор" фермер хўжалиги томонидан зайтун ўсимлиги тажриба тариқасида экиб кўпайтирилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу ўсимлик Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Деҳқонобод, Қамаши туманлари адирликларининг шамолга тескари бўлган ҳудудларида қишнинг совуғи -15 даражагача бўлган иқлим шаротида ўсиши айтиб ўтилган. Лекин Ғузор туманида зайтун ўсимлиги етиштириш мумкинлиги ҳақида маълумотлар мавжуд эмас.

**К. СОДИҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари.**



## Хусусий тиббий фаолият юритиш тартиби

***— Олий маълумотли тиббиёт ходимиман. Шароит тақозоси туфайли бир муддат тижорат билан шуғулландим. Энди яна ўз соҳамга қайтмоқчиман. Хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгаманми?***

**Ҳ. НАСИМОВ.**
Мирзачўл тумани

— Хусусий тиббий фаолият юритиш учун камида 5 йил меҳнат стажига эга олий тоифали, олий маълумотли мутахассис бўлиши лозим. Унинг санитария талабларига жавоб берадиган биноси, қиёслов кўригидан ўтказилган тиббий асбоб-ускуналари, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланган хоналари бўлиши шарт.

Сиз вақтинча бошқа соҳада ишлаганингиз сабабли лицензия олиш учун, аввало, малакангизни оширишингиз ёки ихтисослашув жараёнидан ўтишингиз керак бўлади.

Тадбиркорлик субъектларига тиббий фаолият юритиш учун лицензиялар эса Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 апрелдаги "Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензиялаш кенгаши томонидан берилади.

Лицензия олиш учун ариза, юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ҳамда ҳисоб рақами, юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал идораси томонидан тасдиқланган нусхаси, мавжуд тиббий асбоб-ускуналар рўйхати керак бўлади.

**Э. НАРИЕВ,**
**Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.**

**— Компьютерда дастурловчи бўлиб ишлайман. Туш пайтига бориб кўзим тиниб, бошим айлангандек бўлади. Овқатланишим, иштаҳам жойида. Кўз қувватини оширувчи тиббий даволар борми?**

**Қ. ХЎЖАЕВ.**
Ғиждувон тумани

## Кўзга ҳам тиним беринг

— Ҳаётимизга ахборот технологиялари жадаллик билан кириб келмоқда. Эндиликда уларсиз кундалик турмуш тарзимизни тасаввур қилиш анча қийин. Лекин ҳар бир нарсанинг ўз меъёри бўлганидек, телевизор кўришда ҳам, компьютерда ишлашда ҳам маълум бир меъёрларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир. Гап шундаки, ушбу воситалардан бир неча соат мобайнида узлуксиз фойдаланиш нафақат кўзнинг илғаш қобилиятини ёмонлаштиради, балки ҳазм органлари, тери, юқори нафас йўлларида ҳам жиддий ўзгаришларга олиб келади. Қандли диабет хасталигида ҳам кўзнинг илғаш хусусияти камайиб кетишини эслатиб ўтиш жоиз.



Кўришнинг заиф тортишига А белгили дармондориларнинг етишмаслиги сабаб бўлиши мумкин. Шу боис унинг олдини олиш учун таомномада жигар, тухум, балиқ увулдириғи, сут каби маҳсулотларнинг бўлиши тавсия этилади. Қолаверса, қизил сабзи, ўрик (туршак, баргак), наъматак сингари табиат неъматларидан истеъмол қилиб туриш ҳам фойдалидир.

**М. НАБИЕВ,**
**доришунос.**

## Қайта ўқиш талаб этилмайди

**— Ҳайдовчилик гувоҳномасини олганимга йигирма йилдан ошди. Лекин шу муддат ичида автомобиль бошқармадим. Энди яна ҳайдовчилик курсида ўқишим керакми?**

**А. ҚАМБАРОВ.**
Гулистон тумани

— Йўқ, ҳайдовчилик курсларида қайта ўқишингиз шарт эмас. Агар сиз бирор-бир корхонага ҳайдовчи бўлиб ишга кирмоқчи бўлсангиз, қўшимча равишда транспорт воситасини бошқариш бўйича амалиёт ўташингиз талаб қилинади. Бунинг учун ҳайдовчи кадрларни тайёрловчи ўқув ташкилотларига мурожаат этишингиз лозим.

**А. СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ матбуот хизмати бошлиғи, подполковник.**



## НОМИНГИЗГА РАСМИЙЛАШТИРИЛГАН БЎЛСА

**— "Қишлоқ қурилиш банк"дан олинган кредит фоизини бошқа банк пластик карточкаси орқали тўлаш мумкинми?**

**С. АРСЛОНОВ.**
Навоий шаҳри

— "Қишлоқ қурилиш банк"дан олинган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни кредит олувчининг бошқа банкларда фақаттина унинг номига очилган пластик карточкасидан тўлаш мумкин.

**А. РАҲМОНОВ,**
**"Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ бошқарув раиси ўринбосари.**




## Автобусларнинг қатнов жадвали керак

*— Эшитишимизча, ривожланган давлатларда автобусларнинг қатнов жадвали шаҳардаги ҳар бир бекатга осиб қўйиларкан. Бизда нима учун бундай тартиб жорий этилмаган?*

**М. БУТАЕВ.**

— Ҳозирги вақтда шаҳардаги барча оралиқ бекатларда махсус бекат белгилари ўрнатилган. Ушбу белгиларда бекатнинг номи, шу бекатдан ўтадиган барча йўналишлар кўрсатиб ўтилган. Йўналишларда йўловчиларнинг оқимига қараб, тиғиз соатларда қатнов мунтазамлиги 8 дақиқадан 20 дақиқагача бўлган вақтни ташкил этади. Кейинчалик йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида оралиқ бекатларда йўналишларнинг қатнов жадвали ва қатнов мунтазамлиги тўғрисида қўшимча маълумотларни бериш масаласи кўриб чиқилади.

**Т. ДАДАБАЕВ,**
**"Тошавтобустранс" акциядорлик компанияси директори.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.30 1 2 4 5